

**«Ўзпартампоаж» АЖ акциядорларнинг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
1 – сонли Б А Ё Н Н О М А С И**

01 феврал 2019 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 11:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шох кўчаси, жамият биноси.

Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми:

Умумий йиғилиш раиси ва
«Ўзбурғунефтгаз» АЖ нинг
ваколатли вакили -

Бозоров Ғ.А.

«INTEGRA EURASIA» МЧЖнинг,
ваколатли вакили -

Султонов К.К.

“Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг
ваколатли вакили -

Иргашев Р.К.

«Ўзпартампоаж» АЖ бошқарув раиси -

Суяров Б.О.

Йиғилиш котиби:

Мингяшаров Н.Қ.

Жами овоз берувчи акциялар сони – 8447400 дона
Жами акциядорлар сони – 491 киши

Қатнашдилар:

“Ўзбурғунефтгаз” АЖ вакили ишончнома асосида Бош мутахассис Бозоров Ғ.А. - 3041090 та овоз, «INTEGRA EURASIA» МЧЖ вакили ишончнома асосида Ахмедов Ж.Р. - 816200 та овоз, “Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили ишончнома асосида Иргашев Р.К. - 1267110 та овоз ва 5 нафар жисмоний шахс – акциядорлар 62800 та овоз билан қатнашдилар.
Кворум – 61,4%.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг жамоавий ижроия органини яқка тарбибдаги ижроия органига ўзгартириш киритиш тўғрисида масаласини кўриб чиқиш.
2. “Ўзпартампоаж” АЖ ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқиш.
3. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Устави ва “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Дивидентлар сиёсати тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомларини янги таҳрирда тасдиқлашни кўриб чиқиш.

Э Ш И Т И Л Д И :

“Ўзбурғунефтгаз” АЖ вакили – жамият кузатув кенгаши аъзоси **Бозоров Ғ.А.** кворум мавжудлигини ва йиғилишни очилишини эълон қилди. Йиғилиш иштирокчилари ичидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилди. Булар:

Бозоров Ғолиб Абдурахмонович - “Ўзбурғунефтгаз” АЖ вакили;

Суяров Бахриддин Овлоқулович – “Ўзпартампонаж” АЖ бошқарув раиси;

Ахмедов Жамшид Рустамович – “Интегра Евразия” МЧЖ вакили.

Таклиф бир овоздан маъқулланди. Йиғилишда Бозоров Ғолиб Абдурахмонович раислик қилди. Баённомани ёзиб боровчи котибни сайлаб олишни таклиф этди ва корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Мингяшаров Н.Қ. номзоди кўрсатилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқиб, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклиф қилди:

Турдиев Х. - санок комиссияси раиси,

Олимов А. - санок комиссия аъзоси,

Кароматов А. - санок комиссия аъзоси.

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар 3 тани ташкил этади ва хисобот берувчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Мухокамадан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи,

Овозга қўйилди: **Розилар** – 5187200 овоз.

Қаршилар – йўқ,

Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л И Н Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

1.2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат Турдиев Х. - санок комиссияси раиси, Олимов А. ва Кароматов А. - санок комиссия аъзолари этиб сайлансин.

Кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан “Ўзпартампонаж” АЖнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди.

Ўз сўзида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда ижроия органи харажатларини оптималаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг “Жамиятнинг ижро органи” тўғрисидаги 79-моддасида ҳамда “Акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доираси” тўғрисидаги 59-моддасига асосан, белгиланган ҳолда “Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг жамоавий ижроия органини яқка тартибдаги ижроия органга ўзгартириш, яъни Ижроия орган аъзолари ўрнига Жамият Директори лавозимини татбиқ этиш масаласи жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил 08 январдаги йиғилишида кўриб чиқилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун киритилганлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Шундан сўнг сўзга жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси Бозоров Ғ.А. сўзга чиқиб, ушбу масала бўйича жамиятни йирик акциядори – “Ўзбурғунефтгаз” АЖнинг ижобий муносабати 2018 йил “28” октябрдаги 05/АУ-1232 – сонли хатида баён этилганини айтиб ўтди (хат илова

қилинади) ва юқорида айтилганларни инобатга олган ҳолда, ушбу масалани тасдиқлашни таклиф қилди.

Овозга қўйилди: Розилар – 5187200 овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг жамоавий ижроия органини якка тартибдаги ижроия органига - директорга ўзгартирилсин.

1.2. “Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг ижроия органи раҳбари Б.О. Суяров билан тузилган меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритишни расмийлаштириш жамият кузатув кенгаши раиси Ч.М. Мамадалиевга юклатилсин.

Иккинчи масала бўйича жамиятнинг молия ва режалаштириш бўлими бошлиғи в.в.б. **Комилов Б.Б.** сўзга чиқди. Ўз сўзида жамият бошқарув раиси номи Директорга ўзгаришини инобатга олган ҳолда жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш кераклигини айтиб ўтди ва ташкилий тузилма акциядорларга тақдим этилди (*ташкилий тузилма илова қилинади*).

У ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги» қонунининг 59 моддасига асосан, жамиятнинг ташкилий тузилмасини янгидан тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда жамиятнинг ташкилий тузилмасини янгидан тасдиқлашни таклиф қилди.

Овозга қўйилди: Розилар – 5187200 овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампонаж” АЖ ташкилий тузилмасига иловадагидек ўзгартириш киритилсин ва янгидан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан “Ўзпартампонаж” АЖнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди.

“Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг жамоавий ижроия органини якка тартибдаги ижроия органга ўзгартириш киритиш муносабати билан жамиятнинг Устави, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги низом, “Ижроия органи тўғрисида”ги низом, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низом, “Ички аудит тўғрисида”ги низом, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги низом, “Дивидентлар сиёсати тўғрисида”ги низом, “Ички назорат тўғрисида”ги низом, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомларга ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирда тасдиқлаш кераклигини айтиб ўтди.

Шу муносабат билан юқорида кўрсатилган низомлар янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, акциядорларга таништирилди.

Овозга қўйилди: Розилар – 5187200 овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Устави ва “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Дивидентлар сиёсати тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш раиси:



Бозоров Ғ.А.

Йиғилиш котиби:



Мингяшаров Н.Қ.

« 04 » 02 2019 йил.
Баённома имзоланди.